# Tasviriy san`at va muhandislik grafikasi

***5110800 - Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси* - умумий ўрта таълим мактаблари учун тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси бўйича ўқитувчи тайёрлаш жараёнида фойдаланиладиган фанлар, педагогик фаолият воситалари, усуллари, методлари йиғиндисидан иборат бўлган таълим йўналишидир.**

## 5110800 –Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаситаълим йўналиши бўйича бакалаврнинг касбий фаолиятининг тавсифи

### 4.1 Бакалаврнингкасбий фаолият соҳаси

***5110800 – Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси* –** умумий ўрта таълим мактаблари учун тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси бўйича ўқитувчи тайёрлаш жараёнида фойдаланиладиган фанлар, педагогик фаолият воситалари, усуллари, методлари йиғиндисидан иборат бўлган таълим йўналишидир.

### 4.2 Бакалаврларнинг касбий фаолияти объектлари

*(5110800 – Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси* таълим йўналиши бакалаврларнинг касбий фаолияти объектлари – таълим жараёнида мос умумий ўрта таълим мактабларидаги ўқув-тарбия жараёни, ишлаб чиқаришда тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси.

### 4.3 Бакалаврларнинг касбий фаолияти турлари

***5110800 – Тасвирий санъат ва муҳанлислик графикаси***таълим йўналиши бўйича бакалавр ўз психологик-педагогик, касбий тайёргарлигига мувофиқ қуйидаги касбга оид фаолият турлари:

- *ЎМКҲТ тизимининг мос таълим муассасаларида педагогик;*
- *тарбиячилик;*
- *ўқув-методик;*
- *Ишлаб-чиқариш (санъат ва муҳандислик);*
- *Ижтимоий ва жамоа соҳасида;*
- *илмий-тадқиқот.*

Бакалавр тайёрланадиган касбий фаолиятнинг муайян турлари таълим жараёнининг манфаатдор иштирокчилари билан ҳамкорликда олий таълим тизими томонидан аниқланади**.**

### 4.4 Бакалаврлар касбий фаолиятининг вазифалари

*5110800 –Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси методикаси* таълим йўналиши бўйича бакалавр таълим дастурини ўзлаштириш натижасида касбий тайёргарликнинг асосий турлари ва махсус тайёргарлигига мос қуйидаги касбий вазифаларни ечиши керак:

**ЎМКҲТ тизимининг мос таълим муассасаларида педагогик фаолияти:**

- ЎМКҲТ тизимининг мос таълим муассасаларида тайёргарлик йўналишида назарда тутилган ўқув фанлари бўйича назарий машғулотларни ўтказиш;

- ЎМКҲТ тизимининг мос таълим муассасаларида тайёргарлик йўналишида назарда тутилган ўқув фанлари бўйича амалий ва лаборатория машғулотларини, жумладан ўқув устахоналарида, ўтказиш;

- замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб ностандарт ўқув машғулотларини ишлаб чиқиш ва ўтказиш;

- ўқитилаётган фанлар бўйича дарсларни ўтказиш учун зарур бўлган ўқув-методик ҳужжатларни шакллантириш ва тузиш;

- ўқитилаётган фан бўйича машғулотларни ўтказиш учун ўқитишнинг техник воситаларини ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланиш;

- мустақил таълим ва ижодий изланиш натижасида ўқитилаётган фан ҳамда педагогик фаолият соҳасидаги методлар, воситалар ва шакллар соҳасиларида ўз-ўзини мунтазам такомиллаштириб бориш.

***тарбиячилик фаолияти:***

- умумий ўрта таълим, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларидан ташқари муассасаларда тарбиячи бўлиб ишлаш;

***ўқув-методик фаолияти:***

- мос таълим йўналишлар бўйича таълимни амалга оширувчи вазирликлар, унинг тармоқ бошқармалари ва муассасаларида методист бўлиб ишлаш;

***Ишлаб-чиқариш (санъат ва муҳандислик) фаолияти:***

- ижодкор-уста: санъат ва муҳандисликнинг барча турлари, жанрлари ва техникаларида босма маҳсулотларни безаш, турли адабий асарларни иллюстрациялаш, барча кўринишдаги плакатларни жумладан реклама плакатлари яратиш, замонавий хаттотлик ва миниатюра асарлари яратиши;

- раҳбар-ижрочи: маданий-маърифий, бадиий ишлаб чиқариш, таъмирлаш ишларини бажаришгамослашиши;

- касбий этика кодексига риоя қилиш.

***Ижтимоий ва жамоа соҳасидаги фаолияти:***

- ишлаб чиқариш жараёнларини амалга ошириш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари ва ресурсларини режалаштириш;

- ахборот технологиялар тизимини яратиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш методлари ва механизмларини ишлаб чиқиш;

- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мос келиши борасида ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилишда иштирок этиш.

***илмий-тадқиқотфаолияти:***

- педагогик экспериментлар ўтказиш ва унинг натижаларини қайта ишлаш.

ўрнатилган тартибларда Олий ва ўрта махсус таълим муассасалари, касб-ҳунар таълими, шунингдек малака ошириш ва кадрларни қайта тайёрлаш курсларида ишлаши мумкин.